

2-ТОМ, 11-СОН

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК:  
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Ихтиёр Адураззаков

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Бизнес ҳуқуқи йўналиши 2-курс магистранти

**Аннотация:** *ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратсоҳасида истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, шунингдек, халқаро тенденциялар таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *электрон тижорат, Жаҳон савдо ташкилоти, электрон транзакциялар ва электрон имзолар, махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш, кибержиноят.*

Электрон тижоратнинг жадал ривожланиши истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш заруриятини янги босқичга олиб чиқмоқда. Замонавий технологиялар ва глобал савдо тармоғининг кенгайиши билан истеъмолчилар ҳуқуқларига оид ҳуқуқий меъёрларни янгилаш, мослаштириш ва такомиллаштириш масалалари юзага келмоқда. Бу мақола электрон тижорат соҳасида истеъмолчи ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунчиликнинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилишга бағишланган.

Рақамли иқтисодиётда истеъмолчиларни ҳимоя қилиш бўйича корхоналар учун қўлланмани ишлаб чиқиш, уни истеъмолчиларнинг онлайн ҳимоясини яхшилашнинг арзон усули сифатида кўрадиган кўплаб мамлакатлар учун устувор вазифа ҳисобланади. Масалан, Халқаро истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тармоғи истеъмолчилар учун рақамли иқтисодиётда транзакциялар учун намунавий шартлар бўйича қўлланмани чиқарди, шунда корхоналар истеъмолчиларга нисбатан виждонли ва шаффоф муносабатда бўлишади ва муҳим маълумотларни узоқ ва мураккаб стандарт шартларда яширмайдилар<sup>1</sup>.

Бугунги кунда электрон тижорат билан шуғулланувчи компанияларни сони дунёда кундан кунга ошиб бормоқда. Чунки, электрон тижорат давлатга ҳам, тадбиркорларга ҳам харидорларга ҳам қулай. Электрон тижорат дастлаб 1960 йилларда АҚШда вужудга келган бўлиб, унинг биринчи кўринишлари АҚШнинг транспорт логистик компаниялари чипталар сотувида ва маълумотлар алмашинувида фойдаланилган.

Бизнестан истеъмолчига электрон тижорат ўсиши билан рақамли иқтисодиётда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунларини қўллаш зарурати янада долзарб бўлиб бормоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги

<sup>1</sup>См. <https://www.icpen.org/news/902>.



## 2-TOM, 11-SON

ижро ваколатлари битта давлат органига берилиши ёки истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, молиявий хизматларни тартибга солувчи ва телекоммуникацияларни тартибга солувчи орган каби бир нечта тегишли давлат органлари ўртасида тақсимланиши мумкин. Ҳозирги вақтда бирон бир моделнинг бошқаларга қараганда самаралироқ эканлиги ҳақида ҳеч қандай далил йўқ, чунки ҳар бир модел мамлакатнинг ўзига хос ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитларига мослаштирилган<sup>2</sup>.

Халқаро миқёсда электрон тижоратни тартибга солишга оид турли хил моделлар шаклланган бўлиб, асосан миллий ва халқаро миқёсдаги зарурат туфайли ўз моделлари асосида миллий қонунчилигини шакллантиради. Электрон тижоратни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади, жумладан, уларга:

- электрон транзакциялар ва электрон имзолар;
- махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш;
- кибержиноят;
- истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- тўловлар ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар мулк ҳам тегишли<sup>3</sup> ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам ривожланган давлатлар қатори электрон тижорат соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Амалда юзага келаётган ижтимоий муносабатларни халқаро шартномалар ҳамда хорижий давлатлар тажрибаларига асосан миллий қонунчиликка жорий этмоқда.

Электрон тижоратда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тартибга солишда биринчи навбатда, истеъмолчиларнинг шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматларни электрон тижорат орқали сотиб олиш ҳамда ундан кейинги жараёнларни қамраб олади, яъни ғоядан бошлаб, унинг то моддийликка айланишигача бўлган жараён билан изоҳланади. Мамлакатда электрон тижоратда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тартибга солишнинг асоси бўлиб, давлат қонунчилиги ҳамда ҳуқуқий асосни шакллантириш ҳисобланади.

Электрон тижоратда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тартибга солувчи қуйидаги бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси<sup>4</sup> орқали айнан

<sup>2</sup> UNCTAD, 2017, *Manual on Consumer Protection (United Nations publication, Geneva)*.

<sup>3</sup> Законодательство в сфере электронной коммерции в странах ЦАРЭС: текущее положение дел и Перспективы. UNCITRAL United Nations Commission on International Trade Law. [luca.castellani@un.org](mailto:luca.castellani@un.org).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (биринчи қисм). //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 37-сон, 408-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 39-сон, 385-модда; 2007 й., 1-2-сон, 3-модда; 3-сон, 21-модда; 14-сон, 132-модда; 15-сон, 154-модда;

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (иккинчи қисм).// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда; 1997 й., 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 182-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда, 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004



## **2-TOM, 11-SON**

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига оид махсус нормалар акс эттирилмаган бўлсада, шартнома тузиш тартиби, зарарни ўрнини қоплашга оид ва бошқа фундаментал қоидаларни ўз ичига олган.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни<sup>5</sup>. Мазкур қонун истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус нормаларни қамраб олган бўлиб, электрон тижорат соҳасида юзага келадиган муносабатларни ҳам қамраб олади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5817-сон қарори<sup>6</sup>. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги ташкил этилиб, қуйидаги асосий вазифалари белгиланди:

➤ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш;

➤ истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда олиш имкониятларини таъминлаш;

➤ аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

➤ истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

➤ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

➤ истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш; тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри

й., 37-сон, 408-модда; 2006 й., 37-38-сон, 371-модда, 39-сон, 385-модда; 2007 й., 3-сон, 21-модда, 37-38-сон, 377-модда, 52-сон, 533-модда; 2008 й., 17-сон, 129-модда, 52-сон, 513-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 313-модда, 315-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда, 52-сон, 555-модда; 52-сон, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 164-модда, 16-сон, 176-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда; 2017 й., 16-сон, 265-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 18.01.2022 йилдаги ЎРҚ-746-сон

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5817-сон қарори. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.09.2019 й., 06/19/5817/3732-сон.



## **2-TOM, 11-SON**

рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш;

➤ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

➤ истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарларга (ишларга, хизматларга) нархларнинг динамикаси ва нарх шаклланиши механизмларини ўрганиш;

➤ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда электрон тижоратда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Жаҳон савдо ташкилоти (WTO), Европа Иттифоқи ва БМТнинг савдо ва электрон тижоратга оид конвенциялари миллий қонунчиликни ривожлантиришда асос бўлмоқда.

Европа Иттифоқининг ГДПР регламенти истеъмолчиларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишда янги стандартларни белгилади.

Электрон шартномаларни юридик кучга эга ҳужжат сифатида тан олиш ва уларнинг ижросини кафолатлаш механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг

“Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуни истеъмолчиларнинг масофавий шартнома асосида амалга ошириладиган ҳуқуқларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Электрон тижоратда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик миллий ва халқаро тенденциялар асосида ривожланмоқда. Шу билан бирга, ушбу соҳада қуйидаги қонунчилик механизмларини жорий этиш лозим:

1. электрон тижоратда истеъмолчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга ихтисослашган махсус тизимларни яратиш;

2. маҳсулот ва хизматлар сифатига доир кафолат механизмларини мустаҳкамлаш;

3. шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга доир халқаро тажрибаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш;

4. истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка технологик инновацияларни ҳисобга олувчи қоидаларни киритиш;

Электрон тижоратда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилиги мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва халқаро савдо тизимида интеграциялашувини янада тезлаштиради. Шу боис, мазкур йўналишда қонунчиликни узлуксиз такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

### **REFERENCES**

1.1 Копачев А.А. “Электронная коммерция как фактор инновационного развития деятельности предприятия. Автореферат. – Санкт Петербург, 2009. – 6-б.



## **2-TOM, 11-SON**

1.2 Медведева В.А. “Электронная коммерция предпринимательской деятельности, Автореферат. – М., 2004. – 10-б.

1.3 UNCTAD, 2017, *Manual on Consumer Protection* (United Nations publication, Geneva).

1.4. Законодательство в сфере электронной коммерции в странах ЦАРЭС: текущее положение дел и Перспективы. UNCITRAL United Nations Commission on International Trade Law.

### **Normativ-huquqiy hujjatlar**

1.1 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (биринчи қисм).

1.2 Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни

1.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 сентябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5817-сон қарори. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.09.2019 й., 06/19/5817/3732-сон.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонун.

